
Жинойат ишлари бўйича Фурқат туман суди раиси ИИБ профилактика инспекторлари ва ИИБ ходимлари билан учрашув ўтказди

Жинойат ишлари бўйича Фурқат туман суди раиси Вахобов Тохиржон 2022 йил 24 май куни туман ИИБ биносида ИИБ профилактика инспекторлари ва ИИБ ходимлари билан учрашув ўтказди.

Мазкур учрашув мобайнида йиғилиш давомида йиғилиш қатнашчиларига профилактика инспекторлари томонидан тайёрланган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни масофадан туриб, мобиль видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқиш амалиётида юзага келаётган айрим масалалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирар маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябр кунги “Жинойатларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-сонли Қарори, Жинойатчиликларни олдини олиш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларни ярашувга асосан тугатишга оид ишлар ва ушбу қарорнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, 2017 йил 3 январ куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни мазмун моҳияти ва ушбу соҳада давлатимиз томонидан амалага оширилаётган изчил ўзгаришлар бўйича фикрлар билдириб ўтилди.

Шунингдек йиғилиш қатнашувчиларига айна дамда давлат дастури орқали амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин қизларни тизимли қўллаб қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабхаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси асосида хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган тизимли ишлар юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилди. Ушбу давра суҳбати жавомида профилактика инспекторларига “хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш” бўйича ва ушбу турдаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларни камайтириш учун барча масуллиги тушунтириб ўтилди.

Жиноят ишлари бўйича

Фурқат туман суди раиси Т.Вахобов

2022-05-25 17:28:09